



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 26-aprel. Seshanba

50 (31.326)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН: ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тошкентда 22-23 апрель кунлари Президентимиз Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ҳамда мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичига оид вазифаларни кенг кўламда амалга ошириш юксак самараларини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 200 нафардан ортиқ хорижий олим, эксперт ва жамоат арбоблари, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Осие тараккиёт банки, Ислон тараққиёт банки вакиллари, мамлакатимиз олимлари, мутахассислари, парламентимиз аъзолари, фуқаролик институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари иштирок этди.

Янги ва секцияларга бўлинган мажлисларда иштирокчилар замонавий демократик ривожланишнинг муҳим масалалари — давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислохотлари ва иқтисодий эркинлаштириш масалаларини муҳокама қилди. Бунда Ўзбекистонда мазкур устувор соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»

маърузасида уларни чуқурлаштириш бўйича баён қилинган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, бошқа демократик мамлакатларнинг бу йўналишлардаги тажрибаси ҳам кўриб чиқилди.

Самарадорлиги бутун дунёда кенг эътироф этилган мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича «Ўзбек модели»нинг амалга оширилиши истисно қилинганда Ўзбекистоннинг тараққиётга эришиш йўли ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган беш машҳур тамойилга асосланган ҳолда, пухта ўйланган, изчил ҳамда босқичма-босқич ислохотлар бунда муҳим омил бўлмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланаётгани, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг самарали тизими яратилгани, фуқаролик жамияти институтларининг жадал ривожланаётгани, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, иқтисодий-сиёсий фаоллигининг сезиларли даражада ошгани ҳам шундан далолат беради.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида «Ўзбек модели» ўзининг нақадар ишончли ва асосли эканини ёрқин намоён этди. Ҳолбуки, ушбу инқироз оқибатлари дунёнинг аксарият давлатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга катта салбий таъсир кўрсатди. Конференцияда хорижий экспертлар Ўзбекистон бошқа кўплаб мам-



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

лакатлардан фарқли равишда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш билан бирга Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида барқарор ривожланиш учун мустақкам пойдевор яратганини таъкидладилар. Масалан, 2009 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етди. Бу тенденция жорий йилда ҳам сақланиб қолмоқда. Макроиктисодий кўрсаткичлар барқарорлиги ва мувозанати, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари, давлат бюджетни профицити, савдо ва тўлов баланси, экспорт ҳажми, оltин-валюта захиралари ўсиши таъминланди. Иқтисодий янада диверсификация қилиш, молия-банк тизими барқарорлиги ва

ишончлилигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, экспортчи корхоналар, шунингдек, жорий йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 54 фоизга амалга ошириш қўзда тутилган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасини хар томонлама кўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шарт-шароит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конференцияда мамлакатимизда кўлга киритилган ушбу муваффақиятлар бозор иқтисодиёти ривожланган ва кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлат куриш бўйича хар томонлама ва чуқур ўйланган тадбирчи тараққиёт дастурини изчил амалга оши-

ришнинг бевосита самараси экани таъкидланди. Айниқса, Ўзбекистон тажрибаси «шок терапияси» услубидан воз кечишнинг тўғрилиги ва комплекс ислохотларни изчиллик билан, босқичма-босқич чуқурлаштириш принциплари асосида амалга ошириш зарурлигини тасдиқлагани алоҳида кайд этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамият ҳаётининг барча жабхаларини модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи белгилаб берилди.

Анжуман иштирокчилари концепцияда кайд этилган барча устувор йўналишларни хар томонлама муҳокама қилиб, унда баён этилган ижтимоий-сиёсий

ва иқтисодий тўб ўзгаришларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш стратегиясини тўлиқ кўллаб-қувватлади. Улар ўз чиқишларида Концепция Ўзбекистонда истисно қилинган ислохотлар, демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнининг мантқий ҳамда қонуний давоми эканини таъкидладилар. Ушбу дастурий ҳужжат пухта ўйланган янги қонунчилик ташаббусларини ўз ичига олган бўлиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистонга юксак мақсадлар — ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда.)

### Эътироф

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳавас қилса арзуулик ишлар амалга оширилаётган, хусусан, банк соҳасини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлдим. Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган Ўзбекистон банк-молия тизимида узққни кўзлаб амалга оширилган ишларнинг самараси тўғрйли молиявий инқирозни четлаб ўта олди».

Руй ЛИ, Анхуй ахборот-технологиялари институти профессори (Хитой)

### Янгиликлар

#### «Меҳринг билан яшайман, Ватан!»

Ўзбекистон Бадий академияси Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказаятган «Тасвирий санъат+5» ижодий ҳафталиги ранг-баранг ва қизиқarli тадбирларга бой бўлмоқда.

Ҳафталик доирасида пойтахтимиздаги Марказий кўرғазмалар залида «Меҳринг билан яшайман, Ватан!» мавзусида бадий кўрғазма ташкил этилди.

Кўрғазмада намоиш этилаётган расмларда жонанж Ватанимизнинг бетакор манзаралари, муаззам мейморий обидаларини, самимий ва меҳнатсевар ҳамюртларининг қиёфаси ўз аксини топган.

#### «Тошкент баҳори» фестивали бошланди

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 22 апрель куни «Тошкент баҳори» иккинчи халқаро опера санъати фестивали бошланди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган ушбу санъат байрами «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри ҳамкорлигида ташкил этилган.

2 майга қадар давом этадиган мазкур фестивалда бир қатор жаҳон классик композиторларининг мумтоз опералари мамлакатимиз ва хорижий санъат намоёндалари иштирокида намоиш этилади.

#### Маҳаллий навлар — амалиётга

Пойтахтимизда «Марказий Осиеда агробиохимла-хиллик: мева-яиллар ва уларнинг ёввойи ҳолда ўсуви аждодларини сақлаш» лойиҳаси самараларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Халқаро биохимла-хиллик ташкилоти ва Глобал экологик жамағарма кўмагида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа халқ селекцияси йўли билан яратилган мева-яилларнинг ёввойи аждодларини ўрганиш орқали дунё аҳамиятига молик коллекция барпо этиш ҳамда уларнинг инсон саломатлигига фойдали жиҳатларини такомиллаштиришни кўзда тутади. Шунингдек, беш йилга мулжалланган ушбу лойиҳа маҳаллий навларни ўрганиш ва кўпайтириш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, озик-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга хизмат қилади.

### Муносабат

Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи буюриши, воҳадаги бунёдкорлик ишлари билан танишиши вилоят аҳлини кўксини тоғдек кўтарди.

## Обод ва муаззам маскан

Ал-Ҳаким ат-Термизий бобомиз VIII-IX асрларда яшаган. 120 дан ортиқ асарлар яратган, улардан фақат 60 га яқини бизгача етиб келган. Қомусий олимнинг диний-маърифий йўналишдаги китоблари бугунги кунда ҳам дунё олимлари томонидан ўрганилаёпти.

Термиздаги Ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устида дастлаб IX асрда кичкина хонақо қурилган, XV аср бошида эса Амир Темурнинг набираси Халил Султон мақбара барпо этган.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳбарлигида мазкур мақбарани қайта қуриш ва унинг атрофини обод-

донлаштириш мақсадида улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Бугунги кунда жами 10 гектар майдонни ташкил этадиган ёдгорлик мажмуаси ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга қаратилган амалий ҳаракатлар натижасида янги боғ-роғлар бар-

по этилди. Ҳозир бу ерда келиб-кетувчилар учун дам олиш масканлари ва турли хизмат кўрсатиш иншоотлари мавжуд. Шунингдек, аллома ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни ўзида муҳасам этган музей ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида дастлаб Ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуасида бўлиб, бу ерда олиб борилган навбатдаги ишлар билан яқиндан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари ёдгорлик мажмуасини кўздан кечириб, бир қатор тақриф ва

тавсияларни билдириб ўтди. Жумладан, ҳудудда 400-500 йил умр кўрадиган эман даракларини экиш лозимлигини айтиб, бу муқаддас масканга ёшларни кўпроқ жалб этишни, уларни Ал-Ҳаким ат-Термизий каби улуг боболаримиз меъросидан яқиндан хабардор қилиш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз бу масканни нафақат зиёратгоҳ, балки юртдошларимиз маънавиятини янада оширадиган масканга айланиши лозимлигини таъкидлади.

Абдураим ЧОРИЕВ, мажмуа раҳбари.



Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗДП Наманган вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.

## Фуқаролик жамиятининг энг муҳим шарты

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигидир

Мустақиллик йилларида ўзбек давлатчилиги тарихининг янги босқичи бошланди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш тизими яратилди. Конституция-мизнинг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деб белгилаб қўйилди.

Мустақиллигимизнинг ўтган

20 йили мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларнинг қиёси йўқ. Жамиятнинг демократлаштириш бўйича ҳам қисқа муддатда кенг кўламли ишлар қилинди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги ислохотларни изчил давом эттиришни ҳаётнинг ўзи олдимизга муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Ғалаба учун курашамиз

Бадий гимнастика мен учун энг сеvimли машғулотлардан бири. Бу спорт тури билан мунтазам шуғулланиб, устозларим кўмагида унинг сир-асрорларини кунт билан ўрганиб келмоқдаман.

Маҳорат ва малакамни оширишимда устозим Ирина Умарованинг хизматлари беқиёс. Ҳозирги пайтда вилоятимизда ҳам ушбу спорт тури тобора оммалашиб, минг нафардан ортиқ киз бадий гимнастика тўғрақларида қатнашмоқда.

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларига тайёргарлик муносабати билан қурилиб битказилган «Сурхон» спорт маж-

муаси биз ёшлар учун катта совға бўлди. Ҳозир мазкур спорт мажмуасида 200 нафарга яқин киз спортнинг бадий гимнастика тури билан шуғулланаёпти. Спорт мажмуасида барча шароитлар муҳайё этилган, жумладан, гимнастика зали, овқатланиш, кийим алмаштириш, ювиниш хоналари мавжуд.

Мамлакатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи чоғида бизнинг спорт мажмуа-

мизда ҳам бўлиши унутилмас воқеа бўлди. Президентимизнинг бизларга совғалар улашиши кўнглимизни тоғдек кўтарди. Мен бугунгача «Умид нихоллари» спорт мусобақасининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллагандим. Юртбошимизнинг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари олдида биз билан учрашиб, эзгу тилаклар билдирганлари мени ва дугоналаримни ушбу мусобақада албатта юқори ўринларни эгаллашга ундайди.

Ирода ЖОВЛИЕВА, спортчи.

⇒ 2

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 26 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари	1814,89	1 Миср фунти	284,20	1 СДР	2722,43	10 Жанубий Корея вони	15,63
1 Англия фунт стерлинги	2793,46	1 Канада доллари	1775,37	1 Туркия лираси	1113,39	10 Япония иенаси	206,57
1 БАА дирхами	460,59	1 Хитой юани	259,75	1 Швейцария франки	1907,50	1 Россия рубласи	60,54
1 АҚШ доллари	1691,57	1 Малайзия рингити	562,92	1 Евро	2442,02	1 Украина гривнаси	212,36

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмган.



# КОНЦЕПЦИЯДА

акс этган ва қонунчиликка киритилиши таклиф этилган ўзгартиришлар нафақат Ўзбекистон тараққиётига, балки йил сайин ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларимизни ҳам янги поғоналарга олиб чиқишга улкан ҳисса қўшади.

## ЎЗБЕКИСТОН: ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда рўйб-га чиқарилаётган ислохотларнинг комплекслиги принципи, яъни иқтисодий ислохотлар сиёсий тизимни демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ҳамда сайлов тизимини ривожлантириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, фуқароларнинг сиёсий оғни, ҳуқуқий маданиятини ошириш билан ҳамбарчас амалга оширилаётгани ушбу муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ягона тўғри ёндашувдир.

Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш — Концепцияда белгиланган устувор йўналишлардан. Шундан келиб чиққан ҳолда Концепцияда қатор муҳим таклифлар илгари сурилган бўлиб, улар парламент томонидан маъқулланган ва жорий йил 19 апрелда қўйиб берилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги қонунда тўла ўз аксини топан. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия Бош вазир номзоди бўйича таклиф киритиш, парламентта мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳукумат раҳбарининг ҳисоботларини эшитиш, Бош вазирга ишонсизлик вотумини бидириш ҳуқуқи берилди, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган қатор бошқа янги қонунчилик нормалари киритилди.

Хорижий экспертлар ўз чиқишларида ушбу барча янгилар энг юксак демократик талаблар ҳамда демократик ривожланиш бўйича илғор халқаро амалиётга тўла мос келади, деб таъкидладилар. Уларнинг амалда қўлланиши ҳокимиятнинг тармоқларга ажратиш принципини амалга ошириш ва уларни чуқур ислоҳ этиш, мамлакатимизда сиёсий рақобатни кучайтириш ва кўп-партиявийлик тизимини мустақамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократик модернизация қилиш дастури бошқичма-бошқич ҳаётга татбиқ этилаётгани қайд қилинди. Судлар иختисослаштирилди, тортишувларни ҳал этишнинг мубоқабил механизми, суд ишларини қайта қўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди, адвокатура институти мустақамланди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги янада либераллаштирилмоқда, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилиб, уларнинг ақсарияти иқтисодий ҳавфи қатта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш қафолатлари сезиларли даражада кучайтирилди. Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилингани бутун дунё жамоатчилигининг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асоси бўлган қонун устуворлиги тамойилига қатъий риоя қилинаётганининг яна бир тасдиғидир.

Концепцияда амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир баён қилинган қонунчилик ташаббуслари «Хабес корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг холислиги, бепарафлигини таъминлаш механизми янада ривожлантириш, суд жараёнида ўзаро тортишув принципини кучайтириш, жиноий қонунчиликни либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий оғни ва маданиятини оширишга қаратилган. Хорижий экспертлар буларнинг барчаси мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриши, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидан қатъият билан бораётганининг ёрқин далили эканини таъкидладилар.

Демократик янгилаш ва ушбу жараён самарадорлигини оширишни янада либераллаштириш, уларнинг янада кўпроқ очик ва ошқоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқоти ўтказиш механизми ҳамда сайлов комиссиялиги фаолияти самарадорлигини оширишга муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишга қаратилган қонунчиликка киритилиши таклиф этилган ўзгартиришлар нафақат Ўзбекистон тараққиётига, балки йил сайин ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларимизни ҳам янги поғоналарга олиб чиқишга улкан ҳисса қўшади.

ошқоралигини таъминлаш борасида улкан ҳамда тизимли ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. Ўзбекистонда ушбу соҳани эркинлаштириш, демократлаштириш ва модернизация қилишни тартибга солувчи демократик талаблар ва стандартларга мос қонунчилик базаси яратилган ва ривожлантирилмоқда.

Концепцияда таклиф этилган комплекс чора-тадбирлар оммавий ахборот воситалари фаолиятида бозор механизмларини такомиллаштириш, ахборотлардан эркин ва тенг фойдаланишни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиклиқни таъминлаш, жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга қаратилган. Анжуманда янги қонунчилик ташаббусларининг фойдаланиши ва уларнинг амалга оширилиши катта иқтисодий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Конференция хорижий иштирокчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда самарали сайлов тизими ва тегишли қонунчилик шакллантирилган бўлиб, улар мамлакатни ички ривожлантириш шарт-шароитлари ҳамда халқаро демократик стандартларга тўла мосдир. Сайловлар умумий, тенг ҳамда тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи орқали яширин овоз бериш, принципларига риоя қилинган ҳолда, кўппартиявийлик асосида очиклик ва ошқоралик руҳида ўтказилмоқда. Уларда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва иштирок этиши имкониятлари анча кенгайтирилган — парламентда 15 депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Анжуманда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнини янада либераллаштириш, уларнинг янада кўпроқ очик ва ошқоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқоти ўтказиш механизми ҳамда сайлов комиссиялиги фаолияти самарадорлигини оширишга муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада кенг ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда қатор янги қонунларни қабул қилиш зарурати асослаб берилган. Уларнинг рўйб-га чиқарилиши фуқаролик институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида муҳим иқтисодий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда иқтисодий шериклини мустақамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича самарали механизмларни яратиш, фуқаролик жамияти институтларининг мустақиллигини оширишга хизмат қилади.

Иштирокчиларнинг фикрича, буларнинг барчаси мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнига ижобий таъсир қўрсатади. Шунингдек, Концепцияда бозор ислохотлари ва иқтисодиётни бошқаришни эркинлаштириш жараёнини жадаллаштиришга, хусусий мулк ва тадбиркорликка оид ҳуқуқий орқали яширин овоз бериш, миллий иқтисодиётда кичик бизнес уллушини кўпайтириш ва рақобатни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун ушбу вазифалар ижросини таъминлаш доирасида қатор янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда.

Хорижий экспертларнинг фикрича, ҳуқуқий асосларнинг бу тарзда комплекс ва ҳар томонлама такомиллаштирилиши Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини янада жадал ривожлантириш, уни демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнини кенгайтиришнинг мустақам асоси бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, конференция қатнашчилари Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, унда баён этилган янги

қонунчилик ташаббусларига юксак баҳо берди, бугунги кунда дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар шароитида уларнинг нафақат Ўзбекистон, балки бошқа кўп давлатлар учун ҳам катта амалий ва долзарб аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар.

— Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган мазкур Концепцияда Ўзбекистонда ривожланишнинг барча асосий йўналишлари, жамият эҳтиёжларига ўз вақтида ва муносиб жавоб қайтаришга оид муҳим вазифалар белгилаб берилган. — деди БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ бўйича минтақавий биороси директори Кори Удовичи. — Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, мамлакатда эришилган бундай муваффақиятлар — ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олишга доир юксак мақсадга эришишга қаратилган йўлнинг бошланғичи. Бунда мамлакатда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият ҳисобланади. Буларнинг барчаси Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўла мосдир. Ўзбекистонда ислохотларнинг бошқичма-бошқич ва собиққадамлик билан амалга оширилаётганлиги эришилаётган муваффақиятларда муҳим омил бўлмоқда. БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни, жумладан, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган жорий йилда мазкур соҳада ҳам лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва ички, тадрийжий ислохотларни чуқурлаштиришга асосланган ривожланишга оид мазкур стратегик дастур барқарор тараққиётга интилаётган бошқа кўп давлатлар учун ҳам катта долзарб аҳамиятга эга.

Амалий мулоқот руҳида ўтган конференция ақунари бўйича иштирокчилар кенг кўламли демократик ислохотларни ичкилик, бошқичма-бошқичлик ва тадрийжий ривожланиш тамойиллари асосида амалга оширишда Ўзбекистон таърихисини чуқур ўрганиш ҳамда ундан кенг фойдаланишга доир тавсияларни қабул қилдилар.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

### Муносабат



(Давоми. Боши 1-бетда.)

## Бахт маскани

Истиқлол йилларида янги турмуш қўрган ёшларимизнинг бахтли келажакини таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор қаратиляпти. Ёш оилаларга ажратилаётган турли имтиёзли кредитлар, уй-жойлар қурилиши, буларнинг барчаси ёшларимизнинг бахтли истиқбол йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлардир. Яқинда Сурхондарё вилоятининг марказида «Бахт уйи» қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий ҳамда миллий меъморчилик талаблари асосида қад ростлаган мазкур ишшоотда келин-куёвларнинг никоҳ тадбирларини ўтказишлари учун 20 дан ортиқ хизмат турлари мавжуд.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида ушбу «Бахт уйи»да ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилган қурилиш ишлари, ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Келин-куёвлар никоҳини қайд этиш хоналарида улар учун дам олиш жойларини ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Инсон ҳамisha яхшиликка, эзгуликка талпиниб йўшади. Юртбошимиз ташрифидан сўнг, шу кун «Бахт уйи»да биринчи никоҳланувчилар — Мафтун Ҳамидова ва Орзубек Шариповларни табриқладик. Маросимни катта ҳаяжон ва масъулият билан ўтказдик. Ёшларимиз бахтли бўлишсин!

Шарофат ИЛИЕВА, Термиз шаҳар «Бахт уйи» мудири.

## Фуқаролик жамиятининг энг муҳим шарти

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигидир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотларни чуқур таҳлил қилиб, олдинда турган муҳим вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича қатор таклифлар билдирди.

Концепциянинг «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш» йўналишида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» қонун қабул қилиш таклифини илгари сурди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонунга риоя қилишини, ўз мажбуриятларини масъулият билан бажаришини кузатиш ва назорат қилиш мақсадида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари тизимли назорат ўрнатиши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қабул қилиниши таклиф этилаётган қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлайди.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар жамият тараққиётига фол таъсир қўраётгани, электорати манфаатини ишончли ҳимоя қилиши учун етарли меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди. Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий оғни ҳам ошиб бормоқда. Партияларга ишонч, талабчанлик кучаймоқда. Бундай шароитда қўли қовуштириб ўтирган сиёсий куч ҳеч қачон электорат ишончига сазовор бўлолмайди. Одамларни ташвишга солаётган муаммолар ечимини топишга астойдил ҳаракат қилаётган, ўз амалий ишлари билан жамиятга нафти тегаятган партия обрў-эътибор қозониб, тарафдорларини кўпайтира олади.

Шу боис Концепцияда таклиф этилган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштиришда фаол иштирок этишимиз зарур. Шу йўл билан электоратимиз манфаатини самарали ҳимоя этиш мумкин. Партияларнинг вилоят, шаҳар, туман кенгашилар, депутатлик гуруҳлари ушбу қонунларни яратишда ўз таклифлари билан қатнашишлари керак. Шунда қонун лойиҳасининг мукамал тайёралини амалга оширишга эришимиз мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан давлат назоратининг бир қатор шакл-

### Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

# Истиқлол йиллари халқингиз учун улкан юксалиш даври бўлди

Тошкентда 22-23 апрель кунлари «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. ЎЗА мухбирлари конференция иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

**Витторио ЖОРЖИ, Европанинг тарихий вилоятлари иттифоқи раиси, адвокат, «Евроюрис Италия» италиялик юристлар уюшмаси аъзоси (Италия):**

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни бир неча йилдан буён диққат билан кузатиб келаман. Истиқлол йиллари халқингиз учун улкан юксалиш даври бўлди.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мамлакатнинг турмуш даражасини юксалтириш, халқаро майдонда муносив ўрин эгаллаш йўлида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Буларнинг ҳуқуқий асоси табиийдир. Мамлакатингиз Конституциясида, ўз нафақат хорижий мамлакатлар конституцияларини ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларини пухта ўрганиш, балки ўзбек халқининг асрий қадриятларини ҳам инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам ҳавас қилса арзигулик, кенг кўламли исло-

хотлар амалга оширилаётди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида жаҳондаги кўп давлатларда иқтисодий қўрсаткичларнинг пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб, ялли ички маъсулот хажми муттасил ўсаётгани, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустақамлаш давом этаётгани эътиборга молик.

**Димитриос БАКОЛАС, «Европей Профилс S.A.» компанияси президенти (Греция):** — Ўзбекистонга бир неча йил аввал ҳам келган эдим. Пойтахтингиз инфраузилмасида рўй берган ўзгаришлар мени чин маънода ҳайратга солди. Мамлакатингиз ривожланишининг тўғри йўлини танлаганини алоҳида қайд этишни истардим.

Барча мамлакатларда парламент ҳуқуқат фаолиятини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётини уйғунлиқда олиб бориш парламент назоратининг муҳим хусусиятларидан биридир. Буларнинг барчаси мамлакатингиз Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси-

га оид маърузасида илгари сурилган фойдалар ҳам ўз аксини топан.

Ўзбекистон икки палатали парламентини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали ишларни амалга оширмоқда. Парламентингиз ўтган қисқа вақт ичида қонунларни ижро этиш даражасини ва уларнинг самарадорлигини амалда аниқлашнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг таррақий этириши эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларга ўз вақтида ўзгартишлар киритишнинг муҳим манбаига айланди.

**Ван ШЭМИН, Ганьсуй дўстлик алоқалари уюшмаси бош котиби, профессор (Хитой):**

— Бугунги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар барқарор ривожланиб бормоқда. 2005 йили имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг стратегик шериклиги даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг 19 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Хитой Халк Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашуви чоғида эришилган келишувлар келгусида халқларимиз манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Расмий ташрифлардан ташқари, халқаро анжуманлар доирасида музокаралар ўтказилиб, икки томонлама алоқалар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, долзарб

халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро сиёсий ишонч мустақамланиб боргани сайин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик, энергетика, хавфсизлик ва бошқа кўп давлат алоқаларига жадал тараққий этмоқда.

Шуни ишонч билан айта оламани, Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида акс этган ва қонунчиликка киритилиши таклиф этилган ўзгартиришлар нафақат Ўзбекистон тараққиётига, балки йил сайин ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларимизни ҳам янги поғоналарга олиб чиқишга улкан ҳисса қўшади.

**Юсуф ХОШИМ, «Globalist» журнали бош муҳаррири (Малайзия):**

— Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустақамланиб, нуфузи ошиб бормоқда. Кўп давлат мамлакатларининг етакчи фирма ва компаниялари юртингизга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўп давлат ис-тиқболли лойиҳаларни амалга ошираётди. Юртингизда барча соҳаларда, хусусан, нефть-газ ва пахта саноатида қўлга киритилган ютуқлар диққатга сазовор. Сайёҳлик салоҳияти ҳам тобора юксалиб бораётди.

**ЎЗА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА ёзм олд.**



# Термиз катта спорт байрами арафасида

Яна саноқли кунлардан сўнг, «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг республика финал босқичи бошланади



Президентимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 апрель куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Яқин кунларда Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақалари бошланади. Мамлакатимиз раҳбари шу муносабат билан барпо этилган «Сурхон» спорт мажмуида бўлди. Бу ерда 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадий гимнастика ва кўл тўпи заллари қурилиб, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Юртбошимиз спорт мажмуида шуғулланаётган ёшлар билан учрашди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт тизими — умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» мусобақалари мамлакатимизда спорт оммавийлигини ошириш, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, иқтидорларини кашф этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. 2000 йилдан бери мунтазам равишда ўтказиб келинаётган маъруз спорт тизимининг ўрта бўғини саналган «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари республика финал босқичи Термиз шаҳрида ўтказилади. Бунгача ёшларимизнинг ўзига хос катта спорт байрамлари Жаззах (2001 йил), Андижон (2003), Чирчик (2005) ҳамда Нукус (2008) шаҳарлари мезбонлик қилганди.

Термизда бошланадиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг бу нуфузли мусобақасида Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида спортнинг ўн икки тури бўйича ўтказилган саралаш мусобақаларида юқори ўринларни кўлга киритган 867 нафар ўқувчи голиб-

лик учун майдонга тушади. Кувонарлиси, иштирокчиларнинг 354 нафарини қизлар ташкил этади.

Ўзига хос «Кичик олимпиада» номини олган баҳслар ўтказилиши кутилаётган Термиздаги спорт заллари ва майдонлари, сузиш ҳавзалари шай ҳолга келтирилган.

Катта спорт байрами муносабати билан вилоятимизга 1600 нафарга яқин қатнашчи ва меҳмон ташриф буюриши кутилмоқда, — дейди «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари ташкилий-ишчи гуруҳи аъзоси Фурқат Мустафқулов. — Иштирокчилар — спортчи-ўқувчилар, мураббий ва ҳакамларни кутиб олиш, жойлаштириш, мазмунли маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш, мусобақаларни юксак савияда ўтказиш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳардаги Олимпия захиралари спорт коллежи, Термиз давлат университети, 1- ва 2-академик лицейлар, педагогика, санъат коллежларининг иншоотлари ва спорт майдонлари тайёр қилиб қўйилган.

Президентимиз «Сурхон» спорт мажмуида бўлганида, биз ташкилотчиларга амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди. Биз бу ишларни мусобақалар бошлангунга қадар кўнгилдагидай

қилиб бажарамиз.

Чунки «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчилари шу муассасаларга жойлаштирилиши ва дастурдаги баҳслар уллардаги спорт иншоотларида, «Алпомиш» теннис корти ва стадиони, кураш мажмуи, «Дельфин» сузиш ҳавзаларида ўтказилади. Қисқа вақт ичида қад ростлаган ва ўн минг томошабинга мўлжалланган муҳташам стадионда нафақат футбол учрашувлари, балки енгил атлетика баҳсларини юқори савияда ўтказиш имконияти мавжуд. Бу ерда барпо этилган универсал спорт залида ўнга яқин спорт турлари бўйича бемалол нуфузли мусобақаларни уюштириш мумкинлиги алоҳида эътирофга сазовор.

Куни кеча «Баркамол авлод-2011» — спорт ўйинлари республика финал босқичида футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи турлари бўйича қатнашадиган минтақавий баҳсларнинг голиблари номи маълум бўлди. Мусобақа низомига мунофиқ, кучлилар номи бешта (Тошкент, Навоий, Наманган, Қарши, Нукус ва Урганч шаҳарлари) ҳудудда ташкил этилган саралаш учрашувлари орқали аниқлаб олинди. Жумладан, «миллионлар ўйини» — футбол бўйича Қаршида ўтказилган ҳудудий саралаш баҳсларида Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Бухоро вилоятла-

ри ўқувчи-ёшлари ягона йўлнамани учун кураш олиб боришди. Унда омад сурхондарёлик ёшларга қулиб боқди. Энди Термизда ўтадиган финал босқичида улар ўз гуруҳларида пешқадамликни кўлга киритган Тошкент шаҳри, Самарқанд, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрадиган футболчи-тенгдошлари қаторида бош соврин учун майдонга тушади. Бошқа спорт ўйинлари бў-

йича ҳам кучлилар шу тарзда саралаб олинди. Бу эса Термиз майдонларида кечадиган ҳар бир учрашув ниҳоятда муросасиз, шиддатли кечилишидан ва улларда янги-янги истеъдодлар кашф этилишидан дарак бериб турибди.

Муҳими, ёшлик, шижоат ва гўзаллик байрами нафақат ёшларимиз маҳоратини чарқлайди, балки улларни шу азиз Батимиз раўнақи йўлида жангаштиради, юксак мақсадлар сари ундайди.



Иштирокчилар — спортчи-ўқувчилар, мураббий ва ҳакамларни кутиб олиш, жойлаштириш, мазмунли маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш, мусобақаларни юксак савияда ўтказиш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳардаги Олимпия захиралари спорт коллежи, Термиз давлат университети, 1- ва 2-академик лицейлар, педагогика, санъат коллежларининг спорт иншоотлари ва майдонлари тайёр қилиб қўйилган.



Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Тадбир

### Имконият ва фаолият

Куни кеча Давлат божхона, Солиқ қўмиталари ва Савдо-саноат палатаси Олий Харбий божхона институтида Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш масалаларига бағишлаб семинар ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 100 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этиди.

Анжуманда Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва уллар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан масъул вазирлик ва идоралар қатор ишлари амалга ошираётгани тасдиқланди.

Тадбирда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши йилдан-йилга кўпаяётгани, жорий йилда бу рақамни 54 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани айтиб ўтилди. Бундан ташқари, божхона статистикасига оид маълумотларни ўзаро алмашиш бўйича хорижий давлатлар билан ҳукуматларо битимларнинг имзолангани ҳамда экспорт-импорт операциялари бўйича доимий таҳлиллар олиб борилаётгани туфайли хўжалик субъектлари фаолиятига аралашмасдан туриб божхона қонунбузилишларини аниқлаш ва олдини олиш таъминланаётгани хусусида фикрлар билдирилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

## Ахборот

### Саноат ярмаркаси

Ўзбекистон Товар хомашё биржаси Бухоро вилоят филиалида халқаро Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Биржада 3000 дан ортиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик вакиллари иштирок этиди. Вилоятдаги 122 та ийрик ва кичик корхонанинг 961 турдаги маҳсулоти унда намойиш этилди. Уларнинг 21 тури янгидан ўзлаштирилган маҳсулотлардир.

Шунингдек, ярмаркада 5 та хорижий компания вакиллари иштирок этиб, ўзаро ҳамкорлик ва кооперация бўйича маҳаллий корхоналар вакиллари билан музокара олиб боришди. 68 та корхона билан тадбиркорлар ўртасида ички бозорга маҳсулот сотиб олиш бўйича 7,3 миллиард сўмга ва 4 та корхона билан 1,4 миллион доллар қийматга эга шартнома имзоланди.

Лазиза ШЕРОВА

## ОБ-ХАВО 25-26.04.2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	28°C	30°C
Самарқанд	27°C	32°C
Нукус	25°C	30°C
Қарши	27°C	32°C
Урганч	25°C	30°C
Навоий	27°C	32°C
Фарғона	23°C	28°C
Бухоро	27°C	32°C
Андижон	23°C	28°C
Наманган	23°C	28°C
Термиз	27°C	32°C
Жиззах	27°C	32°C
Гулистон	27°C	32°C
Тошкент вил.	27°C	32°C

Лондон	8°C	7°C
Париж	10°C	6°C
Москва	0°C	0°C
Мадрид	10°C	10°C
Пекин	10°C	11°C
Гонгконг	20°C	20°C
Рим	8°C	11°C
Анкара	-2°C	2°C
Токио	7°C	8°C
Стокгольм	3°C	3°C
Кейптаун	16°C	15°C
Қоҳира	9°C	9°C
Гавана	21°C	22°C
Вашингтон	16°C	17°C

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши жамоаси Аска туман партия кенгаши раисининг ўринбосари Мақбулахон Қадировга онаси **МАКСУДАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

## Спорт

### Биз биргаликда кучлимиз

Қаршида аёллар ўртасида АТРА таснифига кирган халқаро турнир ниҳоясига етди. Жўфтлик мусобақаларида истеъдодли теннисчиларимиз — Ниғина Абдураимова ва Альбина Ҳабибулина галаба қозонишди.

Теннисчиларимиз финалда Анна Шкудина ва Екатерина Яшина жўфтликга ҳеч бир имконият қолдирмади — 6/1, 6/2. Россиялик Екатерина Яшина ҳам Қаршидан соврин билан қайтадиган бўлди. У яққали мусобақаларида грузиялик София Квациабаяни мағлубиятга учратиб, мусобақанинг бош соврини билан тақдирланди. Энди Қаршида чөлленжер туркумига кирувчи нуфузли халқаро мусобақа бошланди.



Тошкентдаги «Туркистон» санъат саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан спортчи қизлар ўртасида «Тўмарис спорт маликаси — 2011» кўриктанлови бўлиб ўтди.

4-Кўриктанловда пенчак-силат бўйича кўпқарра Ўзбекистон чемпиони Комила Гофировна Гран-при соҳиби бўлди.

Альбина АБДУРАИМОВА (3-дан олган сурат).

### «Бунёдкор» якка пешқадам

Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лига жамоалари еттинчи тур учрашувларини ўтказишди.

Эътиборли жиҳати, унда мавсум пешқадамлари саналган «Насаф» ва «Пахтакор» жамоалари кутилмаганда очко йўқотди. Сафарда тўп сурган «Насаф» футболчилари «Бухоро» вакиллари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган бўлса, пахтакорчилар Муборақда «Машъал» жамоасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди. Бундан «Бунёдкор клуби» унумли фойдаланди.

Турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Навбахор» — «Олмалик» — 0:1, «Шўртан» — «Динамо» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 0:2, «Металлург» — «Қизилқум» — 3:1, «Бунёдкор» — «Андижон» — 3:1.

### Еревандан медаллар билан

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси келаси йили Лондонда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи саралаш мусобақаларига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Шу мақсадда Олим Мухамедов бош мураббийлигида боксчиларимиз Ереванда ўтказилган халқаро турнирда иштирок этишди. Дунёнинг 20 дан зиёд давлатидан энг кучли «чарм кўлқоп» усталари рингга чиққан маъруз мусобақада олти нафар вакилимиз голиблик учун кураш олиб борди. Улардан Жасурбек Латипов (52 кг) ўз вази тоифасида финал йўлланмасини кўлга киритди. Ҳал қилувчи баҳсада мусобақа мезбони Дареник Гижларян билан тенгма-тенг баҳс юритган ҳамюртимиз очколар ҳисобида рақибига имкониятни бой берди — 10:11. Икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоев (75 кг) эса ҳозирча турнирнинг бронза медали билан қифояланди.

Алишер Маҳмудов (49 кг), Шоҳрух Ҳўжабеков (56 кг), Фахриддин Ғоипназаров (60 кг) ҳамда Шўхрат Абдуллаев (75 кг) учун Ереван ринглари жиддий мусобақалар олдида тажриба мактаби вазирагини ўтди.

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

## TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Musihiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'afur HOTAMOV	
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

## BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 449 t — Tijorat materiallari 18968 Topshirish vaqti — 21.00 O'zA yakuni — 00.05 Topshirilgan vaqti — 01.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5